O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV. №
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 13 январь, № 8 (3807) Жума



Кейинги йилларда Тошкент том маънода яшариб ва яшнаб бормоқда. Бу ерда кўплаб замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, турар жой бинолари, маданий-маиший ва спорт иншоотлари ишга туширилди. Шу билан бирга, йўллар ва кўприклар, истироҳат боғлари, майдонлар тубдан реконструкция қилиниб, ўзгача чирой касб этди.



## Кичик корхонанинг катта ишлари



Бу борада “Qurilish industriya xajmli uy-joy” масъулияти чекланган жамияти томонидан ҳам кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, жамият қурувчилари фойдаланишга топшираётган замонавий ишхона офислари, муҳташам кўп қаватли турар жойлар пойтахт кўркига-кўрк қўшмоқда. Аксарият қурилиш ашёларининг жамият тасарруфидаги 2 та заводда ишлаб чиқарилаётгани, шунингдек, минорали кран, автоуловлар ва бошқа техника воситаларининг мавжудлиги қурилаётган бинолар таннархининг арзонлашувига сабаб бўлмоқда.

**СУРАТЛАРДА: Миробод туманида қад ростлаётган кўп қаватли уй қурилишидан лавҳалар акс этган.**

**Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.**

***Жорий йилнинг 11 январь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплекси таркибига кирувчи вазирлик ва идораларнинг 2005 йилги фаолияти натижалари муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.***

## Йил якунлари муҳокамаси

Вазирлик ва идоралар раҳбарларининг йиллик ҳисоботлари танқидий-таҳлилий нуқтаи назардан кўриб чиқилди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 январда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисида, шунингдек, 2005 йил 7 февралда ҳукумат аъзолари билан ўтказилган йиғилишда сўзлаган нутқларидан келиб чиқадиган вазифаларнинг бажарилишига алоҳида диққат қаратилди.

Йиғилишда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг қандай амалга оширилаётгани, “Сиҳат-саломатлик йили” давлат дастури бажарилишининг якунлари, олий таълим муассасаларида илмий тадқиқот ишларининг мақсадли йўналтирилгани ва самарадорлигини таъминлаш, соҳаларда инвестицион дастурларнинг амалга оширилиши жиддий муҳокамадан ўтказилди.

Комплекс йиғилишида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг беш йиллик фаолияти юзасидан ҳисоботлар тингланди.

Вазирлик ва идоралар, уларнинг раҳбарлари фаолияти танқидий таҳлилдан ўтказилган мазкур йиғилишда давлат дастурларида белгиланган айрим бандлар ижросида йўл қўйилаётган сусткашликлар, мутасадди ходимларнинг ўз вазифасига бўлган масъулиятини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилиш кун тартибига қўйилган барча масалалар, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли давлат идоралари ва бошқарув органларига аниқ топшириқлар берилди, 2006 йилда қилиниши лозим бўлган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

*Ернинг муносиб эгасини топиш — долзарб масала*

# ДАСТУРХОН ЗИЙНАТИ ФЕРМЕРГА БОҒЛИҚ

***Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар тобора жадал тус олмоқда. Кейинги йилларда орттирилган тажрибалардан келиб чиқиб, ҳаётга татбиқ этилаётган оқилона сиёсатнинг мантиқий давоми сифатида фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, унга кенг йўл очишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2005 йил 8 ноябрдаги “2006 йилда қишлоқ хўжалик корхоналари(ширкатлар)ни фермер хўжаликларига айлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги 215-сонли Қарорига асосан, зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли, истиқболсиз 428 та ширкат хўжалиги ерларини танловлар асосида унинг ҳақиқий эгаларига бериш кўзда тутилган эди. Ҳозирги пайтда бу жараён муваффақиятли якунланмоқда.***

Одатда, касбимиз тақозосига кўра, мамлакатимиз ҳудудларида хизмат сафарларида кўплаб соҳа вакиллари, айниқса, далада меҳнат қилаётган оддий кишилар билан яқиндан суҳбатлашишимизга тўғри келади. Шундай пайтларда деҳқончиликда бой тажрибага эга инсонларнинг ўй-фикрлари билан ҳам қизиқамиз, албатта. Мисол учун, вилоятларда бўлиб ўтаётган танлов жараёнларини кузатганимизда, баъзи бир ҳақли саволларни эшитдик: “Ерлар пахта ва ғалла етиштириш учун фермерларга бўлиб берилаяпти. Танловлар ошкора, холис ва адолатли ўтаяпти. Бу яхши. Лекин мавжуд боғ ва токзорларнинг тақдири нима бўлади? Улар ўз ҳолича қолаверадими? Ахир, бизда кўплаб ноз-неъмат етиштириш учун жуда қулай шароит бор-ку?” Очиғи, айни шу масала кўпчиликни ўйлантираётган эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 9 январдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда 11 январдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори айни муддао бўлди. Аввало, мазкур ҳужжатлар, таъбир жоиз бўлса, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг навбатдаги босқичини бошлаб берганлиги билан аҳамиятлидир. Чунки уларда мамлакатимизда мева-сабзавотчилик маҳсулотлари ва узум етиштириш ҳамда уни комплекс қайта ишлашни ривожлантириш, тармоқ самарадорлигини ошириш, шунингдек, зарур экспорт базасини яратишнинг энг муҳим шартлари аниқ белгилаб берилган.

Фармонга кўра, мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари) Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни талабларига қатъий риоя қилган ҳолда фермер хўжаликларига айлантирилади. Шу мақсадда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил қилишда, ўз меҳнати натижалари, етиштирилган маҳсулот ва даромадларни тасарруф этишда фермерларнинг ҳуқуқлари ва мустақиллиги кенгайтирилади. Фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашнинг тез мослашувчан замонавий кичик технологияларидан фойдаланадиган, шу жумладан, хорижий инвесторлар иштирокидаги агросаноат фирмалари ихтиёрийлик асосида шакллантирилиб, мавжуд қайта ташкил этиш корхоналари модернизация қилинади. Мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини кенгайтириш борасида янада қулайлик яратиш учун эса, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси ташкил этилади.

Энг муҳими, ширкат хўжаликлари негизида барпо этиладиган боғдорчилик ва узумчилик фермер хўжаликлари ягона ер солиғи тўлашдан — 5 йил муддатга, янги ташкил этилган агросаноат фирмалари даромад(фойда) солиғи, ер солиғи, мулк солиғи, қўшилган қиймат солиғи(импортга қўшилган қиймат солиғидан ташқари), ягона солиқ тўлови тўлашдан — 3 йил муддатга озод қилинади. Солиқ солишдан бўшайдиган маблағлар мақсадли тартибда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашни ривожлантиришга, боғ ва токзорлар барпо этиш ҳамда уларни кенгайтиришга йўналтирилади.

— Газеталарда чиққан Фармон ва Қарорни диққат билан ўқиб чиқдим, — дейди шаҳрисабзлик тажрибали деҳқон Мамасоли Мамадалиев. — Чиндан ҳам, бу ҳужжатда бўлажак фермерларга тармоқни ривожлантириш учун жуда катта қулайликлар яратилиб, яхши имтиёзлар берилибди. Солиқдан озод бўлганимизни айтмайсизми? Чунки кўп йиллардан бери ширкат хўжалигида ишлаб, узум етиштираман. Аммо манфаатдорлик унутиб қўйилгани, ер эгасиз қолганлиги туфайли токзорлар ҳосилдорлиги пасайиб кетди. Энди, насиб этса, узумчилик йўналишидаги фермер хўжалигини ташкил этмоқчиман. Бунинг учун тажрибам бор, имкониятларим ҳам етарлидир.

Бундай улуғ ниятни дилига жо этган боғбонлар, сабзавоткорлар, соҳибкорлар юртимизда кўп. Улар етиштирадиган мева-сабзавот, узум маҳсулотлари нафақат сизу бизнинг дастурхонимизни безайди, балки уни хорижга экспорт қилишдан тушадиган валюта ҳисобига давлатимиз иқтисодиёти янада равнақ топади.

Шу ўринда яна бир савол туғилиши мумкин: хўш, мева-сабзавотчилик, узумчилик йўналишларида фермер хўжаликлари ташкил этилар экан, бу жараён қандай талаблар асосида амалга оширилади? Президентимизнинг “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар

(Давоми 2-бетда).

Бевосита мулоқот



## САВОЛЛАР КЎП БЎЛДИ

*Газетамизнинг кўпчиликда қизиқиш уйғотган рукнларидан бири — «Бевосита мулоқот» янги йилда яна ўз фаолиятини бошлади. Мулоқотнинг дастлабкиси таҳририятимиз томонидан шу йилнинг 12 январида республика соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров иштирокида уюштирилди. Мамлакатимиз Президентининг 2005 йил 1 декабрдаги «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорини амалга ошириш бўйича юртимизда олиб борилаётган ишлар ва умуман ҳозирги кунда тиббиёт соҳасида фаол давом этаётган ислоҳотларга халқимизнинг катта қизиқиши бундай суҳбатнинг долзарблигини аён этиб турган эди.*

*Вазир Ф. Назиров 12 январь куни эрталаб соат 10.00 дан 12.00 гача, мамлакатимизнинг олис ва яқин ҳудудларида яшаётган фуқаролар билан телефон орқали дилдан ва қизғин суҳбат қилди. Саволлар кўп бўлди ва уларда ҳозирги тиббиётга оид ҳаётий масалалар кўтарилди. Вазир саволларга имкон қадар муфассал ва аниқ-тиниқ жавоблар қилди. Айрим масалалар вазирлик назоратига олинди, бир қатор жиддий дардман одамларга эса амалий ва тезкор ёрдам бериш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди. Хулоса битта: ушбу мулоқот кенг жамоатчилик учун ҳам, вазирлик учун ҳам фойдали бўлди.*

*Соғлиқни сақлаш вазири билан бевосита мулоқотнинг тафсилоти газетанинг навбатдаги сонларида чоп этилади.*

## Ҳокимлар ўқуви

Шу кунларда Фарғона водийси вилоятлари ҳоким ўринбосарлари, туман ва шаҳар ҳокимлари иштирокида давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Фарғона вилояти ҳокимлигида бўлиб ўтган тадбирнинг дастлабки куни «Ўзбекистонда демократлаштиришни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида» мавзуида амалий машғулот бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз Президенти И. Каримовнинг Конституциямизнинг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасининг видеотасвири намойиш қилинди.

Ўн кун давом этадиган ушбу семинар-мунозарада иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий масалаларга оид 40 дан зиёд мавзуларда чиқишлар уюштирилиши, баҳс-мунозаралар ўтказилиши кўзда тутилган.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*14 январь — Ватан ҳимоячилари куни*

## «ЎЗБЕКИСТОН — ОНА ЮРТИМ»

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий музейида Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган “Ўзбекистон — она юртим” мавзуидаги анъанавий олтинчи умумармия бадиий ижодиёти кўргазмаси очилди.

Бир ой давом этадиган ушбу тадбирда Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган ҳарбий ижодкорларнинг халқ амалий санъати ва рассомчиликка оид олтмишдан зиёд асари намойиш этилмоқда. Улар орасида, айниқса, кичик сержант Р.Абдулатиповнинг “Мустақил Ўзбекистонни ҳимоя қилиш — муқаддас бурчимиз”, оддий аскар Л.Шухратовнинг “Истиқлол посбонлари”, сержант А.Отахоновнинг “Чексиз дунё” деб номланган картиналари томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

**Жасур КЕНГБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Муборак Ийд ал-Адҳо муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Саудия Арабистони халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан самимий тилаклар ва эзгу истакларимни йўллаб, Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига эса тараққиёт ва равнақ тилашдан мамнунман.

Аллоҳ таборак ва таолодан ушбу муборак онларда ислом умматига юксалиш ва тараққиёт ато этишини тилаб қоламан.

Самимий эҳтиром ила,

**Абдулла бин Абдулазиз Ол САУД,**
**Икки муқаддас масжид ходими,**
**Саудия Арабистони Подшоҳи.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Муборак Ийд ал-Адҳо муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий тилак ва эзгу истакларимни йўллашдан мамнунман. Сизга сиҳат-саломатлик, биродар Ўзбекистон халқига фаровонлик тилайман.

Ушбу фазилатли айёмда Аллоҳ таборак ва таолодан барча ислом умматига қут-барака ато этишини сўраб қоламан.

Самимий эҳтиром ила,

**Султон бин Абдулазиз Ол САУД,**
**Саудия Арабистони Валиаҳди,**
**Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари,**
**Мудофаа ва авиация вазири, Бош Назоратчи.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий табрик ва эзгу тилакларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, қодир Аллоҳдан Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, мамлакатингиз халқи ва мусулмон умматига доимий тараққиёт ва фаровонлик ато этишини тилайман.

Юксак эҳтиром ила,

**Муҳаммад Ҳусний МУБОРАК,**
**Миср Араб Республикаси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий табрик ва эзгу тилакларимни изҳор этиб, Сизга мустаҳкам соғлиқ, дўст Ўзбекистон халқига доимий тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Ушбу қутлуғ айёмда мусулмон уммати бирдамлик ва ҳамжиҳатликка эришишини истаб қоламан.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромларимни қабул этгайсиз.

Ҳайитингиз муборак бўлсин!

**Саъд ал-Абдулла ас-Салим ас-САБОҲ,**
**Қувайт Давлати Валиаҳди.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ислом аҳли муборак Қурбон ҳайитини нишонлаётган ушбу онларда Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрик ва эзгу истакларимни билдириб, биродар Ўзбекистон халқига доимий тараққиёт ва равнақ тилайман.

**Қобус бин САИД,**
**Уммон Султони.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Қурбон ҳайити муносабати билан БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига бахт-саодат ва муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Мамлакатингиз тинчлиги ва равнақи сари олиб бораётган раҳбарлик ишларингизда Яратганнинг ўзи Сизга куч-қувват ва сиҳат-саломатлик ато этсин.

Чуқур эҳтиромимни қабул этгайсиз.

**Жак ДИУФ,**
**БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти Бош директори.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Муборак Ийд ал-Адҳо муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг энг самимий табрик ва эзгу истакларимни йўллаш шарафига муяссарман. Аллоҳ Сизга ва буюк халқингиз ҳамда ислом уммати хизматидаги фаолиятингизга мададкор бўлсин.

Яратган Ҳақ таолодан Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, Ўзбекистон халқига қут-барака ва фаровонлик, ислом умматига тараққиёт, бирлик ва зафарлар ато этишини тилаб қоламан.

Сизга бўлган чуқур эҳтиромимни қабул этгайсиз.

**Акмалиддин ЭҲСОН ўғли,**
**Ислом конференцияси ташкилоти Бош котиби.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Сизни ва ҳамюртларимизни қутлуғ айём — Қурбон ҳайити муносабати билан Саудия Арабистонидаги ватандошлар номидан чин қалбдан муборакбод этамиз.

Мустақиллик йилларида она юртимизда Сизнинг раҳбарлигингизда амалга оширилаётган барча ижобий ўзгаришлар, жумладан диний ва миллий қадриятларимизга эътибор ва эҳтиромдан биз ватандошлар беҳад мамнунмиз.

Яратгандан Сиз раҳнамолик қилаётган мустақил юртимиз ҳамиша омон, элимиз тинч ва осойишта, фуқаролар ҳаёти фаровон бўлишини дуо ила сўраб қоламиз.

Сиз, муҳтарам Президентимизга сиҳат-саломатлик, эл-юрт тинчлиги ва фаровонлиги йўлидаги олийжаноб фаолиятингиз бардавом бўлишини тилаймиз.

Эҳтиром ила,

Саудиялик ватандошлар номидан,

**Сафохон тўра Жалолхон ўғли Марғилоний,**
**Тўрахон Аъзамхон Жалолхон ўғли Марғилоний,**
**Абдураҳмон хўжа Туркистоний, Мелибек Исҳоқбек, Мўминжон Олимжон ибн Исмоил.**

Якун

**_Бугунги бозор муносабатлари шароитида кимнинг қандай ишлаётганини билдирадиган асосий кўрсаткич фойда бўлиб қолди. Эркин иқтисодиётнинг ана шу қонун-қоидаларига ўз вақтида мослашган жамоалар тез ривожланиб кетаяпти. Мулкдорлар ва меҳнат жамоаси аъзоларининг моддий манфаатдорлиги ошиб, улар катта даромадга эга бўлишмоқда. Буни «Қашқадарёнефтгазсаноатқурилиш» очиқ акциядорлик жамияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин._**

# ЎЗИГА ИШОНГАН ЎЗГАНИ ҲАМ ИШОНТИРАДИ

Жамият қурувчилари асосан мамлакатимиз нефть ва газ саноатининг йирик бўлинмалари — Муборак газни қайта ишлаш заводи, Муборак ва Шўртан нефть ва газ қазиб чиқариш унитар корхоналари, Шўртан газ-кимё мажмуида қурилиш, ободончилик ишларини олиб боришмоқда. Шу корхоналарнинг буюртмаларига кўра, Қарши, Муборак, Ғузор шаҳарларида бунёд этилган замонавий уй-жойлар, маданий-маиший, спорт иншоотлари ўзига хос меъморий ечимлари билан ажралиб туради.

Аксарият қурилиш ташкилотлари қарздорлик ботқоғига ботиб, иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган бир пайтда бу жамоа тобора ривожланиб бораётганининг боиси нимада?

Ушбу саволга ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Маҳмуд Бозоров шундай жавоб берди:

— Жамоамиз аъзоларининг иқтисодий ислоҳотлар талабларини тўғри тушуниб, бозор муносабатларига тез мослашгани ишда катта фойда бераяпти. «Ким иш таклиф қиларкин?» деб кутиб ўтирганимиз йўқ. Тендерларда дадил қатнашиб, йирик объектларни ютиб олаяпмиз. Қурилиш технологиясини доимо янгилаб бораяпмиз. Натижада ҳар қандай объектни ўз вақтида ва сифатли қуриб битказаяпмиз. Буларнинг ҳаммаси иқтисодий кўрсаткичларимиз янада яхши бўлишини таъминламоқда.

Ҳиссадорлик жамиятининг иқтисодий фаолиятини таҳлил қилар эканмиз, бошқарув раисининг ишонч билан гапириши бежиз эмаслигига амин бўлдик. Мисол учун, 2005 йилнинг тўққиз ойлик ҳисоботида бош пудрат бўйича 19 миллиард 279 миллион сўмлик иш бажарилгани қайд этилган. Бу 2004 йилнинг шу давридагига нисбатан беш баравар кўпдир.

Бу даражада ўсиш ўз-ўзидан бўлмаган, албатта. Жамият бош муҳандиси Муродулла Мирзаевнинг таъкидлашича, янги техника воситалари сотиб олинганлиги, қурилиш материаллари таъминоти яхшиланганлиги иш суръатининг ошишида муҳим омил бўлаётир.

Дарҳақиқат, 2005 йилнинг ўзида 275 миллион сўмлик янги техника сотиб олинган. Пировардида ишлаб чиқариш имкониятлари кенгайибгина қолмасдан, кўплаб янги иш ўринлари ҳам яратилди. Бугунги эса жамият бўлинмаларида жами 1349 киши меҳнат қилаяпти.

Эътиборлиси, зарурат туғилганда, «Ўзбекнефтгаз» холдинг компаниясининг Хоразм, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги қурилиш ташкилотлари вакиллари ҳам ишга жалб қилинаяпти. Уларнинг кучи билан ҳар ойда 2-2,5 миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилаяпти.

Ана шу ютуқларга жамоанинг ҳар бир аъзоси муносиб ҳисса қўшаётгани, айниқса, таҳсинга лойиқдир. Ўзининг ҳалол меҳнати билан жамоада тилга тушган фидойилар кўп-да. Илғорлар ҳақида гап кетганда, хусусан, иш юритувчилар Баҳодир Умаров ва Жовли Турдиқулов, қурувчилар етакчилари Жўра Акиев ва Насрулло Неъматов, монтажчи Алишер Жўраевнинг номларини биринчилар қаторида тилга олиш жоиз.

«Даромадга яраша буромад» деганларидек, қурувчиларнинг иш ҳақлари ҳам тобора ошиб бораяпти. Айни пайтда бир кишининг ўртача ойлик даромади 168 минг сўмга тўғри келмоқда. Бунга бепул иссиқ овқат ва бошқа имтиёзлар кирмайди, албатта. Яна шуни таъкидлаш керакки, ишчиларнинг иш ҳақи ойма-ой тарқатилаяпти.

Бундан ташқари, акциядорлар умумий фойдадан ҳам каттагина дивиденд олишади. Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш вилоят бошқармасининг бошлиғи Шавкат Маматовнинг сўзларига қараганда, жами 110 та акциядорлик жамияти бор. Улар орасида «Қашқадарёнефтгазсаноатқурилиш» алоҳида мавқега эга. Бунинг сабаби шундаки, бу ерда акциядорлик жамиятларини тузишдан кўзланган асосий мақсад — мулк эгасининг фойда олиши мунтазам равишда таъминланаяпти. Фойданинг дивиденд учун ажратилаётган қисми йилдан-йилга ошиб, акциядорларга ўз улуши мунтазам тўлаб келинаяпти. Жамиятда 2003 йил якуни бўйича қарийб 118 миллион сўм, яъни номинал қиймати 100 сўм бўлган ҳар бир акцияга 230 сўмдан дивиденд тўланган бўлса, 2004 йил якунида фойданинг 358,77 миллион сўми дивиденд тўлови учун ажратилди. Бу — ҳар бир акциядор жамиятдаги улушига нисбатан 700 фоиз кўп даромад олди, демакдир.

Биз акциядорлик жамияти бош ҳисобчиси Иброҳим Ҳамидов билан бирга йил якунларига оид баъзи ҳисоб-китоблар ҳақида гаплашдик. Жамоа 2005 йилнинг тўққиз ойини 1 миллиард 392 миллион сўм фойда билан якунлаган экан. Ҳар ойда бу рақам 100-150 миллион сўмга кўпайиб бораяпти. «Якуний дивиденд миқдори ҳам 2004 йилдагидан икки баравар кўпаяди», — дейди бош ҳисобчи ишонч билан.

Янги йилдан бошлаб қурувчиларнинг асосий қисми Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига тайёргарлик тадбирларига кирган муҳим объектларда меҳнат қилишаяпти. Яқинда шаҳарнинг 7-митти туманида 40 хонадонга мўлжалланган кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди. Марказий кўча юзида эса яна иккита уй қурилиши бошлаб юборилди. Шаҳар юбилейи арафасида бу уйлар ҳам ўз эгаларига топширилади.

15 минг томошабинга мўлжалланган ёпиқ стадионда эса иш қизғин. Қурувчилар бу улкан спорт иншоотини жорий йилнинг биринчи чорагида ишга тушириш учун астойдил меҳнат қилишмоқда. Стадион қурилишининг тендер баҳоси 4 миллиард 111 миллион сўм бўлиб, унинг ёнида бунёд этилаётган қўшимча спорт майдонлари, иншоотлар ҳам ҳисобга олинса, бу кўрсаткич жами 7 миллиард сўмга етади.

Бундай катта ҳажмдаги қурилишлар ҳар кимга ҳам ишониб топширилавермайди. Тендерда ўзига ишонган, кучига, маҳоратига ўзгаларни ҳам ишонтира олган жамоаларгина ютиб чиқади. «Қашқадарёнефтгазсаноатқурилиш» очиқ турдаги акциядорлик жамияти қурувчилари ана шундай ишончга сазовор бўлганликлари билан ҳақли равишда фахрланадилар.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Дил изҳори

## Эзгуликнинг адоғи йўқ

*Фарғона шаҳрининг Қиргули мавзесидаги кўпқаватли уйларда истиқомат қиламиз. Миллатимиз, динимиз турлича бўлишига қарамай, меҳр-оқибатни эътиқод билиб яшаймиз. Айниқса, Янги йил, Наврўз тантаналари, Мустақиллик байрамларида «дом»дагилар бир хонадонга тўпланиб, қувончимизни баҳам кўришга одатланиб қолганмиз.*

Куни кеча нишонланган Янги йилда ҳам аксар қўшнилар, ўзбекчасига айтганда, халфана дастурхон тузадик. Табиийки, Президентимизнинг Ўзбекистон халқига янги йил табригини ҳам биргаликда эшитдик. Айниқса, табрикдаги «Инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларга доимий эътибор ва кўмак бериш, жамиятимизда ўзаро ҳамжиҳатлик, мурувват ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш, аҳолимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш, эл-юрт фаровонлигини ошириш масалалари янги йилда ҳам биз учун долзарб ва устувор вазифа бўлиб қолаверади», деган сўзлари қалбларимизнинг энг нозик торларини чертиб ўтди.

Бу сўзларни даврамизда ўтирган, ота-онасидан эрта ажраб, кекса бувисининг қарамоғида улғаяётган Ирина Гигалаева ҳам тинглаб, кўзларида ёш қалқиди. Ёш қизалоқнинг ҳолатини кўриб, ҳаммамизнинг кўнглимиз алланечук бўлиб кетди.

Эрталаб, Янги йилнинг дастлабки куни бўлишига қарамай, беш-олти қўшни вилоят ҳокимлигига йўл олдик. Бизга ҳокимлик бош мутахассиси, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъул котиби Иброҳимхон Рашидов пешвоз чиқди. Биз вояга етмаган қизалоқ жамоатчилик назоратидан четда қолаётганлиги, оиладаги муҳит яхши эмаслиги, агар эътибор берилмаса, қизча бошқача доиралар таъсирига тушиб қолишини айтдик. Масъул котиб мурожаатимизни ўша куниёқ вилоят ҳокими, вояга етмаганлар ишлари бўйича вилоят комиссияси раиси Ш. Нурматовга етказибди. Орадан кун ўтмай, қизнинг ҳаётида туб бурилиш бўлди. Ирахон «Азот» бирлашмасининг тиббиёт бўлимига ишга жойлашди, ётоқхонадан эса турар-жой беришди. Суюнганидан ўзини қўярга жой топа олмаяпти.

Биз ҳаммаҳаллалар бу хайрли ишга қўл урганимиздан бошимиз осмонда юрибмиз. Ахир, эндигина катта ҳаётга кириб келаётган мурғак қалб, норасида қизалоқ ўз йўлини топиб олса, бундан ортиқ бахт борми?!

**Зулфия ОЛЕШЕНКО.**
*Фарғона вилояти.*



*Қишнинг совуқ кунларида хонадонларни бир меъёрда иситиб бериш катта масъулият талаб қиладиган вазифадир. Қорақалпоғистон Республикасида бу юмуш "Коммунал иссиқлик маркази" очиқ акциядорлик жамияти зиммасига юклатилган. Корхона жамоаси мавжуд 135 та қозонхона орқали аҳолига намунали хизмат кўрсатиб, ўзларига билдирилган ишончни оқлашмоқда.*

**СУРАТДА**: оператор Икром Кутлимуратов.

**Бердиниёз АЛЛАШЕВ (ЎзА) олган сурат.**

## ДАСТУРХОН ЗИЙНАТИ ФЕРМЕРГА БОҒЛИҚ

(Давоми. Боши 1-бетда).

тўғрисида"ги Қарорида бу масала бўйича ҳам аниқ йўл-йўриқлар белгилаб берилган. Аниқроқ қилиб айтганда, тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари(ширкатлари) негизида фермер хўжаликлари ташкил қилишда бир неча талаблар бажарилиши шарт. Жумладан, ер участкаси ижараси ҳақидаги шартномада мавжуд ихтисослашувни сақлаб қолиш, фермерларнинг боғ ва токзорлардан, шунингдек, ажратилган лимит бўйича сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мажбуриятлари акс этиши керак. Боғ ва токзорларни сотиш эса тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативининг умумий йиғилиши қарори билан фақат ширкат пайчилари ва аъзолари ўртасида ўтказиладиган ёпиқ "Кимошди" савдоси орқали амалга оширилади. Шу мақсадда жорий йил 20 мартга қадар фермер хўжаликларини ташкил қилиш учун даъвогарлар ўртасида холис ва ошкора танлов, "Кимошди" савдоларини ўтказишга жамоатчилик ҳамда фуқаролар йиғини вакилларини жалб этиб, ҳаққонийлик, очиқлик ва ижтимоий адолат талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ғолиблар аниқланади. Қарорда, шунингдек, ушбу йўналишда ташкил этиладиган фермер хўжаликларининг қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги шартнома муносабатлари ҳам белгилаб берилганки, янгича усулда иш юритишда унинг аҳамияти ҳам салмоқлидир.

Хуллас, Президентимизнинг ушбу Фармони ва Қарори қишлоқ хўжалигида узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ислоҳотларни яна бир поғонага кўтаришда муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, давлатимиз иқтисодиёти янада мустаҳкамланиши, аҳоли турмуш тарзи ҳар қачонгидан ҳам яхшироқ бўлишига имкон беради.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# «ПАРРАНДА ГРИППИ»ГА ҚАРШИ БИРГАЛИКДА КУРАШМОҚ ЛОЗИМ

**_Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиология ва ветеринария хизматлари томонидан ўтказилаётган доимий мониторинг тадқиқотлари маълумотларига кўра, мамлакатимизда "парранда гриппи" билан касалланиш ҳоллари йўқ. Айни пайтда оммавий ахборот воситалари ҳар куни турли давлатларда ушбу юқумли касалликнинг янги ўчоқлари пайдо бўлаётгани тўғрисида бонг урмоқда. ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси Бош санитария врачи, соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Бахтиёр НИЁЗМАТОВдан ушбу хавфли инфекциянинг республикамиз ҳудудига кириб келишига йўл қўймаслик учун қандай чоралар кўрилаётгани ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди._**

— Ҳақиқатан ҳам, кейинги пайтда дунёнинг кўпгина давлатларида "парранда гриппи" касаллиги қайд этилмоқда, — дейди Б.Ниёзматов. — Аввал касаллик Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида тарқалган бўлса, бугунги кунда ушбу инфекциянинг Европадаги турли давлатлар ва Туркияда авж олиши кузатилмоқда. Табиийки, бундай вазият ташвиш туғдирмоқда ва Ўзбекистон давлат санитария-эпидемиология назорати мутахассислари ҳамда ветеринария шифокорларидан доимо огоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб этмоқда. Бу борада аниқ чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши мамлакатимизга "парранда гриппи"нинг кириб келиш хавфини кескин камайтиришга ёрдам беради.

Шуни таъкидлаш керакки, бундай ишлар анчадан буён ва мунтазам амалга оширилмоқда. Натижада дунёда ушбу касалликнинг тарқалиши кенгайиб бораётганига қарамай, республикамизда тинч эпизоотик ва эпидемиологик вазият сақланмоқда. Ўзбекистонда ҳозиргача уй паррандаларининг ва одамларнинг ушбу касалликка чалинганлиги бўйича бирорта ҳам ҳолат қайд этилгани йўқ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 август ва 13 октябрда қабул қилинган қарорларига мувофиқ, республикамиз ҳудудига Россия, Қозоғистон, Болгария, Руминия ва Туркиядан тирик уй паррандаси, унинг гўшти, тухуми ва ундан тайёрланган маҳсулотларни олиб келиш вақтинча манъ этилган.

Ушбу хавфли юқумли касаллик грипп касаллиги турига киритилгани бежиз эмас. Негаки, унинг кўринишлари кўплаб ўткир респираторли вирусли инфекциялар ва грипп касаллигига ўхшаб кетади. Айни пайтда касалликнинг клиник аломатлари яққол намоён бўлади. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, ушбу касалликларга нисбатан қўлланадиган профилактика чоралари организмни "парранда гриппи"дан ҳимоя қилиш имконини беради. Шу сабабли Ўзбекистонда ҳозирги куз-қиш мавсумида ўткир респираторли вирусли инфекция ва грипп тарқалишининг олдини олишга оид ишлар кучайтирилган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида ушбу касалликларга қарши курашиш бўйича республика штаби кечаю кундуз ишлаб турибди. Бу каби тузилмалар вилоятларда ҳам ташкил этилган. Бундан ташқари, аҳолини эмлаш ишлари йўлга қўйилди ва бугунгача 250 минг нафардан ортиқ киши эмланди. Бу ишлар ўз натижасини бермоқда. Ҳозирги мавсумда ўткир респираторли вирусли инфекция ва грипп билан касалланиш кенг тарқалгани йўқ.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги амалиётчи шифокорлар учун "парранда гриппи"га ташхис қўйиш бўйича услубий тавсияномалар ишлаб чиқди. Инфекцияга чалиниш ҳоллари тахмин қилинганда қўшимча текширувлар ўтказилади ва бу 1,5-2 соат ичида вирус хусусиятини аниқлаш имконини беради. Иккита асосий вирусология лабораторияси — Республика давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Вирусология институти ҳузурида ташкил этилган Грипп миллий маркази ушбу тадқиқотлар учун зарур бўлган тест-тизимлар билан жиҳозланди. Зарурат туғилса, барча ҳудудий вирусология лабораториялари ҳам ана шундай реактивлар билан таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси давлат чегаралари қўшни мамлакатлар ҳудуди билан кесишган жойларда, шунингдек, аэропортлар ва темир йўл бекатларида жойлашган 96 та санитария-назорат пунктининг ҳаммаси аниқ тартибда ишламоқда. Бу пунктлар ходимлари республикамизга келаётган йўловчилар соғлиғини назорат қилади ҳамда божхона хизматлари билан ҳамкорликда ҳудудимизга ҳукумат қарорига биноан турли мамлакатлардан экспорт қилиниши вақтинча тақиқланган озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келинишининг олдини олади. Шуни қайд этиш керакки, бугун мамлакатимизнинг паррандачилик саноати аҳолимизни товуқ гўшти ва ундан тайёрланган маҳсулот билан деярли тўлиқ таъминлай олади. Шу билан бирга, деҳқон бозорларида сотилаётган барча гўшт ва сут маҳсулотлари ветеринария-санитария лабораториясида текширувдан ўтказилмоқда.

Давлат санитария-эпидемиология назорати хизмати "парранда гриппи" пайдо бўлишининг олдини олиш учун Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Давлат ветеринария бош бошқармаси билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Бундан ташқари, Грипп миллий маркази мутахассислари Фанлар академиясининг Зоология институти билан биргаликда мунтазам равишда ёввойи сузувчи паррандаларни текширувдан ўтказиб турибди. Чунки айнан мана шу қушлар асосий касаллик ташувчилар саналади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, инфекцияга қарши асосий ҳимоя "қуроли" — бу профилактикадир. Оддий санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинса, ҳар қандай юқумли касаллик, жумладан, "парранда гриппи"нинг ҳам олдини олиш мумкинлигини эсдан чиқармаслик лозим. Ушбу касалликни юзага келтирувчи вирус атроф-муҳитга ўта чидамсиз бўлиб, юқори ҳароратда тез ўлади. Шу боис парранда гўштини истеъмол қилишдан олдин уни яхшилаб қовуриш ёки қайнатиш тавсия этилади.

Шуни яна бир бор таъкидламоқчиман, мамлакатимизда "парранда гриппи" қайд этилмаган. Ушбу инфекциянинг ҳудудимизга кириб келишининг олдини олиш учун барча керакли чоралар кўрилган. Бу ишда нафақат шифокорлар ва ветеринарлар, балки уй паррандасини боқаётган барча одамлар ҳам иштирок этиши лозим.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ГАЗЕТХОН
## сўз сўрайди

*Савоб*

## Маҳалла ҳомийси

**_Жонкуяр инсон Шахрулло Абдуллаев бир неча йилдан бери Когондаги «Истиқлол» маҳалласига ҳомийлик қилиб келмоқда._**

Унинг саъй-ҳаракати билан кўп қаватли уйлар орасида жойлашган маҳалла биноси мукаммал таъмирдан чиқарилди. Қўшимча иккита хона қурилиб, компьютерлар билан жиҳозланди.

Бундан ташқари, Шахрулло ака ижтимоий муҳофазага муҳтож, боқувчисини йўқотган оилаларга, ногиронларга ҳам баҳоли қудрат ёрдам бермоқда. Уларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда. Савобли ва хайрли ишлари билан кўпчилик корига яраётган саховатпеша кишилар ҳамиша бор бўлсин!

**С.СОБИРОВА ва бошқалар.**
Бухоро вилояти.

*Таклиф*

## Янги рукнлар очилса...

**_Адабиёт ва санъат инсон маънавиятини юксалтиради. Шу боис буюк бобокалонларимиз асарлари ёшлар учун одоб, ахлоқ, инсонийлик, она Ватанни севишга чорлайдиган туганмас манбадир._**

Бироқ бугунги кунда мактабни тугатаётган ёшларимизнинг аксарияти бошқа халқларнинг, жумладан, қўшни туркман, тожик, қозоқ ва қирғизларнинг адабиётини яхши билмайдилар. Республикамизда чиқиб турган газета-журналлар таҳририятлари шуни назарда тутиб, ўз нашрлари саҳифаларида «Қардошларимиз адабиёти», «Гулдаста» сингари янги рукнлар очиб, уларнинг адабиёти ва санъатининг тарихи, ҳозирги ривожи, шунингдек, чет эллик кино ва эстрада юлдузлари ҳақида мақолалар бериб боришса, фойдадан холи бўлмасди.

**Аннамурод ЖУМАҚУЛИЕВ.**
Сурхондарё вилояти.

*Миннатдорлик*

## Раҳмат сизга, шифокорлар!

**_Қизим анчадан буён оғир бетоб эди. Маълум сабабларга кўра, уни операция қилдиришга қурбим етмасди._**

Бу ҳақда Соғлиқни сақлаш вазирлигига мурожаат қилдим. У ердагилар бизни 14-болалар жарроҳлик шифохонасига йўллашди. Бизга шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси беғараз ёрдам кўрсатди. Қизимни муваффақиятли операция қилишди. Бунинг учун мен бош шифокор М.Обидова, шифокор А.Убайдуллаева, жонлантириш бўлими бошлиғи М.Тўлагановага чин дилдан миннатдорчилик билдираман. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида уларга улкан зафарлар тилайман.

Раҳмат сизга, оқ халатли халоскорлар!

**Гулсина ҲУСНИДДИНОВА.**
Тошкент.

*Жавоб*

## Маҳсулот ҳақи бериладиган бўлди

**_Фарғона шаҳри Ёрмозор маҳалласида истиқомат қилувчи фермерлар И.Шерматов ва С.Жиянбековнинг «Халқ сўзи» газетасига ёзган шикоят хати вилоят "Pilla" ҳиссадорлик бирлашмаси томонидан ўрганиб чиқилди._**

Шу жараёнда аризачилар топширган маҳсулот ҳақини ҳисоб-китоб қилишда мутасаддилар катта хатога йўл қўйишгани аниқланди. Пировардида фермерларга тез кунларда умумий даромад ҳисобидан 25 фоиз ўрнига 67,3 фоиз миқдорида иш ҳақи тўланадиган бўлди. Айни масала бирлашма бошқарувининг қатъий назоратига олинди.

**К.СОИПОВ,**
**Фарғона вилояти «Pilla» ҳиссадорлик бирлашмаси бошқаруви раиси.**

## Кўнгилларда меҳр гулласин




**_Инсонларнинг бир-бирларига, яқинларига, касбу корига, энг асосийси, Ватанига бўлган меҳри дунёни янада гўзал, турмушни фаровон қилади._**

Қўрғонтепа туманидаги Мурувват уйи, у ерда яшаётган болалар билан суҳбатлашсангиз, меҳрнинг нақадар қудратли куч эканига яна бир бор амин бўласиз. Бу ерда асосан ўзгалар парваришига муҳтож, ақлан заиф бўлган тиббий назоратда турувчи 4 ёшдан 18 ёшгача бўлган 270 нафар ногирон истиқомат қилади. Ушбу тиббий-ижтимоий муассасада болаларнинг соғлом тенгқурлари сингари яшашлари, билим олишлари учун етарлича шароитлар яратилган.Ўтган йили туман ҳокимлигининг ташаббуси билан бу ерда катта ободонлаштириш ишлари ташкил этилди. Муассаса биноси тўлиқ таъмирланиб, спорт-соғломлаштириш мажмуаси қуриб берилди. Ушбу хайрли ишга тумандаги кўплаб ҳожатбарор кишилар — ҳомийлар ҳам амалий ёрдам кўрсатишди. Қишда ҳам баҳор нафасини ҳис этиш, болаларнинг табиат гўзаллигидан баҳра олишларини таъминлаш мақсадида ҳар бир хонага хонаки гуллар экилди.

— Ҳар бир боланинг дардига малҳам бўлишга, кўнглига йўл топишга ҳаракат қиламиз, — дейди энага Турғуной Худоёрова. — Токи улар ўзларини ёлғиз-нотавон ҳис қилмасинлар, жамиятга фойдаси тегиши мумкинлигига ишончни сезсин ва яшашга иштиёқлари бўлсин.

**СУРАТДА: Турғуной Худоёрова тарбияланувчи Равшанжонга хонаки гуллар ва уларнинг парвариши ҳақида сўзлаб бермоқда.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

*Самарқанд шаҳридаги сержантлар тайёрлаш мактаби Қуролли Кучларимиз сафларига юксак малакали, профессионал кичик командирлар тайёрлаб берадиган нуфузли билим масканларидан саналади. Бугунги кунда ушбу мактабда қатор мутахассисликлар бўйича кўплаб тингловчилар сабоқ олишиб, ўз билим ва малакасини оширмоқдалар. Дарслар шинам ва қулай ўқув хоналарида, замонавий ўқув қуроллари, барча зарурий кўргазмали қуроллардан фойдаланган ҳолда олиб борилади.*

# ПРОФЕССИОНАЛЛАР МАКТАБИ

— Қуролли Кучларда олиб борилаётган ислоҳотлар сабаб, сержантлар тайёрлаш мактабида ҳам қатор ўзгаришлар амалга оширилди, — дейди тарбиявий ишлар цикли бошлиғи подполковник Инъомжон Тўйчиев. — Цикл ўзгариб, уч йўналишга бўлинди. Яъни, тарбиявий ишлар, педагогика-психология ҳамда Ўзбекистон тарихи цикллари. Бундан ташқари, тингловчиларнинг билимини ҳар томонлама бойитиш учун бир қатор янги фанлар ҳам ўтилаяпти. Жумладан, маркетинг хизмати, менежментлик, тадбиркорлик ва албатта, ўқишга қабул қилинган ҳар бир тингловчига чет тилларидан бирортаси ўргатилади. Айни пайтда таҳсил олаётган тингловчилар мактабга қабул қилинганига ҳали унчалик кўп бўлгани йўқ. Шундай бўлса-да, ҳар бирининг билимга чанқоқ ва зеҳни ўткирлиги кўриниб турибди. Тингловчилардан Дилмурод Аҳмадов, Акмал Қудратов кабилар аллақачон устозлар назарига тушган посбонлардан.

Дарҳақиқат, бугунги посбонга талаблар ўзгача. Улар нафақат жисмонан чиниққан ва жанговар билимларни пухта ўзлаштирганликлари, балки интеллектуал салоҳиятининг юқорилиги, дунёқарашининг кенглиги, замонавий техника воситаларидан фойдалана олишлари ва ҳар қандай жойда етакчи бўлишлари билан ҳам ажралиб туриши керак. Шу билан бирга, посбонлар нафақат Қуролли Кучларда, балки мамлакат миқёсида олиб борилаётган ислоҳот ва янгиланишлардан, иқтисодий ўзгаришлардан ҳам хабардор бўлмоғи лозим. Чунки иқтисодиётимиз қанчалик мустаҳкам бўлса, армиямиз қудрати ҳам шунчалик ошиши барчага маълум. Ёш аскарларга устозлик қиладиган сержантлар эса ана шундай сифатларни нафақат чуқур эгаллаган, қолаверса, уларни хизматга татбиқ этиб, ўз қўл остидагиларга ўргата оладиган даражада юксак маҳорат эгалари бўлиши талаб этилмоқда. Бу борада мактабда йўлга қўйилган ишлар ибратга сазовор. Жумладан, компьютер синфида бўлганимизда, замонавий техника воситаларидан бемалол фойдаланиб, зарур маълумотларни интернет тизимидан олишни уддалаётган посбонларга дуч келдик. Бу ерда мактаб тингловчиларига ўқитувчи Отабек Шарипов билан капитан Дмитрий Хван компьютер саводхонлигидан маълумотлар бермоқда.

Мустақил тайёргарлик дарсларида ҳам бўлажак армиямиз таянч устунларига қулайликлар яратиш мақсадида бой кутубхона фаолият кўрсатмоқда. Ўқув адабиётлари бўлими мудираси Зулфия Мансурова билан бадиий китоблар бўлими мудираси Наргиза Баҳовутдиноваларнинг билдиришича, кутубхона яқинда яна беш юздан зиёд янги адабиётлар билан бойитилган. Шунингдек, газета ва журналлар ҳам олинади.

— Баъзан қўлимиз-қўлимизга тегмай қолади, — дейди мудиралар кулиб. — Чунки тингловчилар жуда талабчан, билимга чанқоқ. Мактабимизда доимий хизмат қилаётган офицерларнинг ҳар бири, сержантлардан Асқар Хушназаров, Шавкат Назаров, Шариф Йўлдошев, Татьяна Ятманова, Маша Красиковалар энг фаол китобхонларимиз.

Оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш тайёргарлигидан тингловчиларга сабоқ берадиган подполковник Турсунбой Бўриев, ўқув хонаси кўргазмали қуроллар билан бойитилгани ва махсус — ўт очиш қуроллари бурчаги ташкил этилганини билдирди.



— Ушбу тадбирнинг ўзига хос аҳамияти бор, — дейди подполковник Т. Бўриев биз билан суҳбатда. — Тингловчиларга янада тушунарли бўлиши ва уларда амалий кўникма кўпроқ ортиши учун тинимсиз изланишлар олиб бормоқдамиз. Жанговар қуролларнинг кўргазмали тасвирлари, макетли ўт очиш (огнемёт) тренажёри ўрнатилган. Дала ўқув машғулотларида ўт очиш усуллари чуқур ўргатилади. Янги дастурлар бўйича дарслар давлат тилида олиб борилади.

Реактив пиёдалар ўт очиш қуролини ўрганаётган тингловчи Одил Низомов ушбу тайёргарликдан кўп нарса ўрганганини эътироф этаркан, сабоқдош дўстлари Шуҳрат Усмонов, Камолиддин Ҳайдаров ва Ғайрат Сатторовлар билан ўзаро ҳамфикр ва мусобақадош эканликларини гапириб ўтди. Бундан ташқари, мактабда шинам таъмирланган, кўплаб тренажёрлар билан тўлдирилган спорт зали ҳам ишлаб турибди.

— Жанговар муваффақиятларга эришишда спортнинг роли ҳам муҳим, — дейди мактаб бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Сейфат Сулаймонов. — Посбонларимиз орасида спорт соҳасида нуфузли натижаларга эришганлари ҳам талайгина. Мақсадимиз — янаям юқорироқ натижаларга эришиш.

**Ёшин ҲАКИМОВ,**
**катта лейтенант.**
**К. ТЎРАЕВ олган сурат.**

## КУРСАНТЛАР ТАШРИФИ

***Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти вилоят кенгашига қарашли Бухоро автомобиль мактабида 75 нафар курсант ҳайдовчилик сирларини ўрганмоқда.***

Улар навбатдаги — баҳорги чақириқда Қуролли Кучларимиз сафига қўшилади. Ватан ҳимоячилари куни арафасида бир гуруҳ курсантлар вилоят марказидаги ҳарбий қисмга келиб, аскарлар ҳаёти, улар учун яратилаётган шарт-шароит билан танишдилар.

Бўлажак Ватан посбонлари ҳарбий хизматчилар билан бирга ўз куч ва маҳоратларини синовдан ўтказди. Тош кўтариш, пневматик қуролдан нишонга олиш, турникка тортилиш, арқон тортиш бўйича ўтказилган мусобақалар армиямиз сафига муносиб посбонлар тайёрланаётганидан далолат берди.

**Э.ЁДГОРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Муқояса



# СИЗГА ҲАВАСИМИЗ КЕЛДИ, ТАЛАБАЛАР!

***Бугун биз учун тарихга айланиб қолган Сиҳат-саломатлик йилининг 28 декабрида, Ҳомийлар ва шифокорлар йили арафасида Юртбошимиз пойтахтимизда амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди. Давлатимиз раҳбари Мустақиллик майдонида қад ростлаган бахтиёр она монументи пойига гулчамбар қўяркан, ушбу ҳайкални “Мустақиллик ва эзгулик монументи” деб номлашни таклиф қилди. Зеро, масъум гўдагини бағрига босиб турган она сиймоси ниҳоятда ўзбекона, латиф ва мунис бўлиб, унга олиб борадиган оқ поёндоз шаклидаги йўлакча ҳам рамзий маънога эга. Гўёки ўзбекнинг аёли, онаси Ўзбекистон тупроғида туриб бутун дунёга тинчлик, осойишталик ва оқлик тилаётгандек.***

***Юртбошимиз Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида таҳсил олаётган талабаларнинг турар-жойларида бўлиб, улар билан дилдан суҳбатлашганида мен ўзимнинг талабалик йилларимни эслаб кетдим.***









1966 йилда биз филология факультетининг биринчи курсида ўқирдик. Университетнинг факультетлари шаҳарнинг турли жойларида жойлашганди. Бизнинг факультетимиз Амир Темур хиёбонининг шундоққина биқинидаги ғиштин бинони эгаллаган бўлиб, ётоқхоналар география факультетининг эски биносида ҳамда Талабалар шаҳарчасида эди. Ҳозирги «Демир» супермаркети ўрнидаги ҳайҳотдек бинода бўлажак файласуфу тарихчилар таҳсил кўришган.

Аввало, аудиториялар етишмаслиги, қолаверса, ўша йилдаги зилзила оқибатида қатор ўқув бинолари жиддий шикастланганлиги сабабли, дарслар икки сменада ўқитиларди. Дарсликлар ҳам тақчил. Битта китобни бутун факультет талабалари навбат билан ўқиган пайтларимиз ҳам кўп бўлган. Кутубхоналардан керакли адабиётларни олиш учун ҳафталаб навбатда турардик.

Ётоқхоналар жуда абгор эди. Газ деган нарса умуман йўқ. Хоналар совуқ, иситилмайди. Овқатни электрплитада бир амаллаб пиширамиз. Ҳар куни ошхонада овқатланиш чўнтакка оғирлик қиладиди. Сентябрнинг ўрталаридан бошлаб пахтага кетамиз. Шундай пайтлар ҳам бўлганки, ноябрнинг охирларида, далада қорайган ғўзапоядан бошқа ҳеч нарса қолмаган, биз эса қорда дилдираб, совуқдан жунжикиб, ғўзапоязор (пахтазор дейишга тилим бормайди)да узукун тентираймиз. Қуп-қуруқ далада булар нима қилиб юрибди, дейдиган одамнинг ўзи йўқ. Алам қиладигани шуки, йўқ пахтага кун ўтказиб, маза-матрасасиз макарон овқат эганимиз учун қарздор бўлганмиз. Бу ҳақда ғиринг деб оғиз очгудек бўлсак, тақдиримиз тайин: ўқишдан ҳайдаламиз.

Бир хунук воқеа сира хотирамдан кўтарилмайди. Биз бешинчи курсга ўтиб, энди икки-уч кун ўқигандик. Кечқурун биринчи ётоқхонада кўтарилган қийчув овозлари бора-бора ростакам йиғига айланиб кетди. Ҳаммамиз пастга тушдик. Не кўз билан кўрайликки, эндигина биринчи курсда ўқиётган қашқадарёлик қиз ётоқхонадан йигирма метрча нарида чўзилиб ётарди. У ўзи яшаётган хонани тозалаб, ташқарига ахлат ташлагани чиққанида, ерда узилиб ётган электр симини босиб олган экан. Қизгина зудлик билан чақирилган “Тез ёрдам” келгунча узилиб бўлди. Курс раҳбари ва яқин курсдошлари жасадини машинага солиб юртига олиб кетишди.

Ушбу айтганларим, эҳтимол, бугунги талабаларга эртакдай туюлар. Чунки улар бутунлай бошқа шароитда ўқишади ва яшашади. Замонавий мебель, жиҳозлар, техника воситалари, маиший ускуналар билан таъминланган компьютер, ажойиб кутубхоналар, нафақат босма нашрлар, балки электрон дарсликлар, қўлланмалар, ораста ва файзли турар жойлар уларнинг хизматида. Юртбошимиз ва ҳукуматимиз уларга доимий ғамхўрлик кўрсатмоқда. Бундай меҳрибонликка фақат «аъло» баҳолар билан ўқиш орқалигина жавоб бериш мумкин.

**Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

## Спорт

# «Оқ танли Тайсон» американикни нокаутга учратди

Германиянинг “Universum Box-Promotion” бокс федерациясига тегишли **www. boxing. de** интернет сайтида Фабиан Вебернинг ана шундай сарлавҳа остидаги мақоласи эълон қилинди. Унда ўтган шанба куни Гамбург шаҳрида бўлиб ўтган, 2006 йили бокс соҳасидаги илк ғалабалардан бири ҳақида ҳикоя қилинади.

“Оғир вазн тоифасида курашадиган ўзбекистонлик боксчи Руслан Чагаев америкалик боксчи Роб Кэллоуэй билан рингга тушди ва иккинчи раунддаёқ рақибини нокаутга учратиб, ўз маҳоратини яна бир бор намойиш этди.

Чагаевнинг ўта кучли зарбаси америкалик Кэллоуэйга жангни давом эттириш имконини бермади. Америкалик боксчи ерга қулаганидан сўнг ҳакам ҳисобни очди, бироқ Кэллоуэй карахт ҳолатга тушиб, нима бўлганини анчагача фарқлай олмай ётди. Шундай қилиб, Чагаев ўз фаолияти давомидаги 19-ғалабасига эришди. Русланнинг профессионал рингдаги биргина техник дурангли натижаси 2002 йил октябрида АҚШда худди мана шу рақиби билан бўлиб ўтган жангда қайд этилган эди.

Чагаевни “Оқ танли Тайсон” деб атайдилар ва шунга мос равишда у ўз устида жуда кўп ишлайди. Ўзбекистонлик чарм қўлқоп устаси рингда бешафқат ва жангари одамга ўхшаб кетса-да, ҳаётда мулойим ва хушмуомалалиги билан бокс ишқибозлари орасида катта меҳр қозонган”, — деб ёзади германиялик журналист.

“Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда боксчимиз бўлиб ўтган жанг ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

— Бу жанг мен учун муҳим аҳамият касб этди. Ўтган сафарги беллашувимиз давомида рақибим кўзидан лат етган ва шу сабабли жанг дуранг натижа билан тугади, деб эълон қилинган эди. Лекин кўп ўтмай Кэллоуэй Интернет орқали мендан кучлироқ экани ва мен билан яна бир бор рингга чиқиш истаги борлигини эълон қилди. Мен унинг таклифини қабул қилдим — жанг Гамбургда бўлиб ўтди. Ким нималарга қодир эканини ҳамма ўз кўзи билан кўрди. Йил мен учун муваффақиятли бошланди. У мамлакатимиз ва барча юртдошларимиз учун ҳам омадли келишига тилакдошман!

**“Жаҳон” АА.**

## СОБИҚ ШОГИРДЛАРНИНГ АГАМУРОДОВГА ЖАВОБИ

Мамлакат чемпиони “Пахтакор” Бирлашган Араб Амирликларида ўқув-йиғин машғулотларида қатнашаётганлиги ҳақида хабар берган эдик. ЎФФ ахборот-таҳлил бўлимидан олинган хабарда айтилишича, ҳамюртларимиз машғулот давомида бир неча ўртоқлик учрашувларида ҳам иштирок этдилар. Маҳаллий “Аджан” ва Алматининг “Қайрат” жамоалари билан ўтказилган учрашувлар ҳам қизғин курашлар остида ўтди. Иккала учрашувда ҳам “Пахтакор” 2:0 ҳисобида зафар қучди. Айниқса, Қозоғистон клуби билан бўлган учрашув ниҳоятда муҳим эди. Чунки айни кунларда “Қайрат”ни “Пахтакор”нинг собиқ мураббийси Тачмурат Агамуродов бошқармоқда. Равшан Ҳайдаров шогирдлари учрашувда рақибларидан ҳар томонлама устун эканликларини исботлаб, дарвозага иккита жавобсиз тўп киритдилар.

Мамлакатимиз бош жамоаси бугун Москвага МДҲ чемпионлари кубогида қатнашиш учун жўнаб кетади. Вакилларимиз гуруҳидан “Динамо” (Тбилиси), ЦСКА (Москва) каби кучли жамоалар жой олган. Ушбу нуфузли мусобақада ҳам “Пахтакор”га омад ёр бўлсин!

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

«САНИПЛАСТ» ЎЗБЕКИСТОН-ИСРОИЛ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТИЗИМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА КЎП ЙИЛЛИК ТАЖРИБАГА ЭГА БЎЛГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА КОРХОНА СИФАТИДА ҒЎЗАНИ, БОҒ ВА ИССИҚХОНАЛАРНИ ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТИЗИМЛАРИНИ



СОТИБ ОЛИШНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.



«САНИПЛАСТ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ, МАТЕРИАЛЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРАДИ ВА МОНТАЖ ИШЛАРИНИ БАЖАРАДИ. БИЗНИНГ МУТАХАССИСЛАРИМИЗ ЭКИНЛАРНИ СУҒОРИШ ВА ЎҒИТЛАШДА МАСЛАҲАТЛАРИНИ АЯМАЙДИЛАР.

Сервис хизмати кўрсатиб, эҳтиёт қисмларни етказамиз.

Хизмат сифатига кафолат берамиз.

Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 700187, Тошкент ш., «Қорасув-4» мавзеси, 11-уй.
Телефонлар: 65-18-56, 65-14-59.

Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти жамоаси Драма ва кино актёрлиги кафедраси профессори, Ўзбекистон халқ артисти Турғун Азизовга рафиқаси

**Роза АЗИЗОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари халқаро журналистика факультети ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари Саодат Султонсаидовага ўғли Оммавий коммуникация ва ахборот технологиялари кафедраси ўқитувчиси

**Музаффар СУЛТОНСАИДОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Фан» нашриёти маъмурияти нашриёт ходими Ниғматжон Жўраевга онаси

**ХАЙРИНИСО аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси жамоаси компания бошқаруви раиси ўринбосари Эркинжон Ураловга волидаи муҳтарамаси

**ХОСИЯТ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 359. 34270 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.30 Топширилди — 20.50 1 3456